

МИРЗО БЕДИЛ ДУНЁҚАРАШИДА ИЖТИМОИЙ ҲОДИСАЛАРНИ БИЛИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ ОМИЛЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8270369>

Ойниса Мухаммадиева

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Ижтимоий фанлар факультети доценти*

Аннотация

Ушбу мақолада фалсафанинг муҳим йўналиши бўлган Билиш назарияси ривожига Шарқ файласуфларининг ўрни, ўрта асрнинг буюк шоир ва файласуфи Мирзо Абдулқодир Бедил дунёқарашида ижтимоий ҳодисаларни билишнинг объектив ва субъектив омиллари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар

Билиш, гносеология, инсон, ҳиссий билиш, ижтимоий билиш, объектив ва субъектив омиллар, ақлий билиш, онг, тафаккур, Мирзо Бедил, ахлоқий фазилат, амалиёт, диний эътиқод.

Аннотация

В данной статье рассматривается роль восточных философов в развитии Теории познания, которая является важным направлением философии, а также объективные и субъективные факторы познания социальных явлений в мировоззрении великого средневекового поэта и философа Мирзы Абдулкадира Бедиля.

Ключевые слова

Познание, эпистемология, человек, эмоциональное познание, социальное познание, объективные и субъективные факторы, ментальное познание, сознание, мышление, Мирза Бедиль, нравственная добродетель, практика, вера.

Annotation

This article discusses the role of Eastern philosophers in the development of the Theory of Knowledge, which is an important area of philosophy, as well as the objective and subjective factors of cognition of social phenomena in the worldview of the great medieval poet and philosopher Mirza Abdulkadir Bedil. are being investigated.

Key words

Cognition, epistemology, human, emotional cognition, social cognition, objective and subjective factors, mental cognition, consciousness, thinking, Mirza Bedil, moral virtue, practice, faith.

Инсоннинг бошқа махлуқотлардан фарқи шундаки, унда Оллоҳнинг энг олий неъматини онг ва тафаккурнинг юқори даражада мавжудлигидир. Инсон бу бепаён дунёда онгу тафаккури орқали ўзини, борликни, Яратганни англашга қодир бўлган ягона мавжуддир. Билиш масаласи фалсафа фанининг асосий функцияларидан бири бўлиб, ушбу муаммони тадқиқ этишни фалсафанинг гносеология йўналиши амалга оширади. “Гносеология – билиш назарияси” дарслигида келтирилишича, “Гносеология ёки билиш назарияси фалсафий билимлар (фалсафа фани) бўлими бўлиб, унда 1) инсоннинг дунёни билиш имконияти 2) инсоннинг ўзлигини англаш жараёни; 3) билишнинг билмасликдан билим сари юксалиши, 4) билимлар табиати ва уларнинг мазкур билимларда акс этувчи нарсалар билан ўзаро нисбати ўрганилади. Шундай қилиб, умуман олганда, гносеология онг, билиш, билимни ўрганиш билан шуғулланади”⁶¹. Албатта, биз бир мақола доирасида фалсафанинг ушбу функциясини кенг ва атрофлича кўриб чиқиш мақсадидан йироқмиз. Бироқ, айнан мана шу йўналишдан келиб чиққан ҳолда тадқиқотимиз моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Билишнинг моҳияти билан боғлиқ масалалар қадимги даврларга бориб тақалади. Одамлар қадимги даврлардан бошлаб ўзларини ўраб турган олам, ундаги нарса ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини ўрганганлар, уларнинг кадри ва аҳамияти тўғрисида фикр юритганлар. Жамият ривожланиши давомида инсоннинг билиш борасидаги маълумотлар кўлами кенгайиб, унинг аҳамияти ортиб борган. Онг ва билиш, ғоя ва руҳ билан боғлиқ мавзулар диний-фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашларнинг марказий қисмини ташкил этган. Фалсафий таълимотлар яратган файласуфларнинг аксарияти ўз диққат эътиборини оламни билишга қаратишган. Чунки, фалсафага даъво қилувчи ҳар қандай олим, аввало ўрганаётган объектнинг моҳиятини билишга қизиқади. Бу эса ўз навбатида “ўрганилаётган объектни билишни қандай амалга ошириш керак?” - деган саволга жавоб топишни тақозо этади. Қарабсизки, дунёнинг илмий манзарасини билишга қизиқувчи ҳар қандай инсон билиш муаммосини ўрганмасдан ўз олдига қўйган мақсадга эриша олмайди.

Европа ва собиқ иттифоқнинг аксарият мутахассисларининг асарларида Билиш масаласида Ғарб олимлари мероси, уларнинг гносеологияга қўшган ҳиссаси тўғрисидаги ғояларда илгари сурилган. Бунда Сукрот, Платон,

⁶¹ Н.Шермухамедова. Гносеология – билиш назарияси. Т., 2008, -Б. 5.

Арасту, И.Кант, И.Гегель, Ф.Ниццёе, З.Фрейд ва бошқаларнинг номлари тилга олинади. Шунингдек, софизм, платонизм, кантчилик, прогматизм, позитивизм, экзистенциализм каби кўплаб оқим ва таълимотларда билиш назарияси тўғрисидаги ғоялар акс эттирилган. Бироқ, Шарқ мутафаккирларининг билиш назариясига кўшган ҳиссаси фанда етарли ўрганилган, дейиш қийин. Ваҳоланки, Шарқ фалсафий таълимотлар тарихида ҳам Билиш назариясига ўзининг муносиб ҳиссасини кўшган файласуфлар, фалсафий таълимотар етарлича топилади. Бу борада энг муҳим пойдевор аждодларимизнинг қадимги китоби “Авесто”, десак муболаға бўлмайди. “Авесто”да айтилишича “Фикр, сўз ва амал оламидан эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални танлайман. Мен барча ёмон фикр, ёмон сўз, ёмон амалдан юз бураман”⁶². Ушбу манбада таъкидланишича, Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал фазилатига эга бўлган инсон зулмат ва жаҳолат устидан ғалаба қилиши, яхшилик уруғини сочиши, яхши ном қолдириши, бошқаларнинг таҳсини ва миннатдорчилигига сазовор бўладиган билимларга эришиши мумкин. Авестода илгари сурилган бу ғоялар инсоннинг билишида муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий фазилатлар ижтимоий билишда ҳам марказий ўринни эгаллаб келмоқда. Шарқ файласуф олимлари ва мутафаккирларининг билиш назариясига кўшган ҳиссаси ўрта асрларда янада юқори поғонага кўтарилди. Бу даврга келиб Шарқ оламида дунёга ўзларининг номларини муҳрлаб кетган забардаст мутафаккирлар ижод қилишди. Булардан Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби мутафаккирлар ўз асарларида билиш назариясини бойитишга хизмат қилувчи ғоялар ва таълимотларни яратилди. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ўзининг “Ғинд ҳисобий бўйича китоб”, “Астрономик зиж”, “Ер сурати ҳақида китоб”, “Устурлоб қуриш ҳақида китоб”, “Қуёш соатлари ҳақида китоб”⁶³ каби кўплаб асарларида билимга оид масалалар кенг ўрин олган.

Хоразмий ва бошқа буюк мутафаккирларимизнинг ижоди Европада табиий-илмий назариялар ривожига катта таъсир кўрсатган. Инглиз олими Аделард Хоразмий меросига катта баҳо бериб, олим томонидан яратилган тригонометрик, астрономик жадвалларни XII асрдаёқ лотин тилига ўттирган. Европанинг яна бир метиматек олими Цейтен Шарқ мутафаккирлари томонидан яратилган буюк кашфиётлар, илмий изланишларга юқори баҳо бериб: “Шарқ олимлари қисқа даврда бажарган илмий ишларни Европа

⁶² . Авесто. (А.Маҳкам таржимаси) – Т., Шарқ, 2001. - Б.35.

⁶³ . Қ.Назаров. Билиш фалсафаси. Т., Университет, 2005, –Б. 5.

олимлари III асрдан ортиқ вақт орасида ўзлаштира олдилар”, дея эътироф этган эди⁶⁴. Демак айтиш мумкинки, фалсафа оламида билиш назариясини ривожлантиришда Шарқнинг ўрни ҳам катта ва Шарқ фалсафасини тадқиқ этиш, унда билиш назариясини янада чуқурроқ ўрганиш бугунги кун олдида турган долзарб масалалардан биридир. Шу маънода бизнинг ушбу мақоламиз тадқиқоти марказидан ўрин олган муаммо ҳам бевосита Шарқ файласуф олими, шоир ва мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил ижоди билан боғлиқдир.

Биз ўз тадқиқотларимиз доирасида, Мирзо Бедилнинг инсоннинг моҳияти, унинг комиллик сари интилишидаги асосий жиҳатлари, инсоннинг ахлоқий кадриятлари, инсоннинг борлиқни ва ўзини англашидаги муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтишга ҳаракат қилиб келмоқдамиз⁶⁵. Бугунги тадқиқотимизда эса биз мутафаккирнинг олам ва одамни билиш, жамиятни билиш масалаларидаги ўзига хос ёндошувларини тадқиқ қилишни мақсад қилганмиз.

Бедил инсон коинот мавжудотлари ичида энг юксак мақомда яратилганини таъкидлар экан, кишиларни ирқи, жамиятдаги мавқеидан катъий назар, шу шарафли номга муносиб кўришни истайди. Тўғри, у диний-ирфоний қарашдан туриб айтилган бир фикрида инсоннинг “асл гавҳар” – илоҳий даргоҳдаги асл мавқеидан тезгина ажралиб, қуйи, яъни “тупроққа айланувчи” моддий ҳаётга кўчишининг осонгина рўй берганини эслатиб ўтади:

بیدل اسوده تر از موج گوهر خاک شدیم رفتن از
خویش چه مقدار به تمکین آمد

(Мазмуни: Бедил, гавҳар аслимиздан айландик тупроққа осон,

⁶⁴ . Қаранг: Қ.Назаров. Билиш фалсафаси. Т., Университет, 2005, –Б. 12.

⁶⁵ . Қаранг: О.Мухаммадиева. Ақл, илм ва доноликнинг уйғунлиги (Шарқ файласуфлари ижоди асосида). ЎЗМУ хабарлари. 2005, № 2. Б.40-43 , Мирзо Бедил ижтимоий қарашларининг фалсафий асослари. “Хоразмда тасаввуф фалсафасининг вужудга келиши ва ривожланиш хусусиятлари» мавзусида илмий-амалий конференция материаллари. Урганч-Хива, 2007. Б.30-33. Мирзо Бедил фалсафасида ишқ-муҳаббат талқини. “Хоразмда тасаввуф фалсафасининг вужудга келиши ва ривожланиш хусусиятлари» мавзусида илмий-амалий конференция материаллари. Урганч-Хива, 2007. Бедил фикратининг икки сарчашмаси. Ж.Тафккур. 2008., №4. Б.93-94, Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафасида инсон ва унинг моҳияти масаласи. Бухоро, 2008. Б. 196-199. **Бедил ва ахлоқий кадриятлар фалсафаси. Т., Монография. Т., Yangi nashr, 2016**, Mirzo Bedil's views about human and its essence, Te journal has the GIF impact factor 1.26 for 2017, Te journal has the GIF impact factor 1.26 for 2017, Астрия, Вена, 2018. Muhammadiyeva, O.M. (2021). characteristics of philosophical and spiritual views in the work of mirza abdulqadir bedil. *academic research in educational sciences*, 2(10), 1259-1265. sjif 202: 5.723 <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-10-1259-1265>. pp. 1259-1265. Muhammadiyeva Oynisa . The specificity of the concept of human in Bedil's philosophy. Muhammadiyeva Oynisa Mustafakulovna. *international journal of advanced research in management and social sciences* issn: 2278-6236. impact factor: 7.624 . p.338-345.

Бунча енгил иш чикди ўзликдан айрилмоқ, чунон.)

Биламизки, аслида гавҳар ҳеч қачон тупроққа айланмайди ва шунинг учун ҳам у қимматбаҳо гавҳар тошидир. Аммо, Бедил ахлоқда инсоннинг гавҳардек якто, нодир бўлишини истайди.

Инсон, Бедил назарида, мўъжизакор, айнаи чоғда фитналар манбаидир. Шунинг учун у одамдаги бу икки хил табиатни ҳисобга олиш кераклигига эътиборни қаратади. Бедил инсоннинг улуғворлигини, ақлий лаёқатини, кўп нарсаларни бажаришга қодир бир қутлуғ зот эканлигини, нутқи, онги, ақли-идроки билан ўзга махлуқотлардан фарқ этишини кўрсатиш билан бирга, номукамал, мол-мулкка чанқоқ, ўжар инсондан ярамас ишлар содир бўлишини ҳам таъкидлаб ўтади, яъни шоир инсондаги олийжаноб ахлоқий-руҳий хислатлар билан бирга салбий иллатлар ҳам мавжудлигини ёритишга ҳаракат қилган.

Бедил ўзининг “Ирфон”, “Чор унсур” асарларида инсон борлигини тушунтиришда “бахри мутлақ” (комиллик денгизи) тушунчасини киритади. “Мутлақ бахр” деб Бедил илоҳий кучга асосланган мутлақ борлиқни айтади. Одамзод ана шу мутлақ борлиқдан куч ва ирода билан вужудга келган:

Баҳри мутлақ иссиқ мавж урди шундай,

Бўлдиқ ўзимиздан аълога муҳтож.⁶⁶

Файласуф инсонда бутун олам хусусияти ва моҳиятини кўради. Яъни, одам шунчалик шарафлики, Аллоҳ бор мавжудотни инсон учун яратиб, малакларни унга сажда қилдирди. Барча ҳикмат ва илмларни унинг қалбида жо этди. Бедил уни шундай тарифлайди:

Кавну макон гулест ба домани ҳимматат,

Худро агар ихота куни, чархи дигари.

Дар худ нигар бадоён найранги коинот,

Ғофил машав ки оинаи ҳафт кишвари.

Маҳкуми нафси, ин ҳама дун ҳиммати чора

К-андар бисоти худ ту садри сарвари.

Олам ҳама мусаххари амри замири туст

Эй беҳабар, ту аз чи ҳабаро мусаххари⁶⁷.

Маъноси: Сенинг ҳиммат ва ғайратинг туфайли олам гулзор бўлди,

Агар ўзингни эплай олсанг, ўзгача олам бўлурсан.

Коинотдаги барча ажойиб, гўзал нарсалар сенда зуҳр этмишдир.

⁶⁶ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. - Б.42 .

⁶⁷ Шуқуров Ш. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси. – Т.: Фан, 1979. - Б.71.

Шу нарсани эсда сақлаки, етти иқлимнинг симосидурсен,
Нечун нафсга қарам бўлдинг, бунчалик паст ҳимматлилик не
учундир?

Ахир азиз ва муқаддас дунёда сен садр ва йўл бошловчи- ку?!

Барча олам сенинг амрингга тобъе бўлмишдир.

Эй хабарсиз, нечун сен хомхаёллар кетидан қувиб юрибсан?!

Мирзо Бедил инсоннинг борликни, ўзини анлаши ва билишида ҳиссий ва ақлий билишни уйғунлаштиришга ҳаракат қилган. Файласуф таъкидлашича, билишнинг биринчи поғонаси ташқи билиш бўлиб, у инсоннинг ҳиссий аъзолари яъни, ҳид билиш, кўриш, таъм билиш, эшитиш, таъсирланиш (тери орқали билиш) билиш билан боғлиқ. Инсон мана шу аъзолари орқали оламнинг ташқи моҳиятини ҳис қилади ва ундан кейин ташқи объект ҳақида хаёл, тасаввур ҳосил бўлади. Бедил таълимотига кўра билишнинг объектини инсондан ташқарида бўлган ташқи олам ташкил этади. Буни биз файласуф шоирнинг қуйидаги байтидан ҳам билишимиз мумкин;

Ғайре то дар назар муқобил нест,

Ҳеч касро шуур ҳосил нест⁶⁸.

Яъни, то инсондан ташқарида бирор нарса бўлмагунча, унда тасаввур, ақл ҳосил бўлмайди. Бедил инсон билишини шунчаки ташқи билиш билан чеклаб қўймайди. У инсонни ҳиссий билишдан юқори ақлий билиш босқичига қараб боришига алоҳида урғу беради. Бедил Билишнинг объекти ташқи олам эканлиги, субъекти эса инсон эканлигини илгари сурган ҳолда, инсонни бу оламни билишга қодир бўлган энг олий мавжудот деб билади. Бедил билишда инсон ақлини ҳал қилувчи рол ўйнашига ҳам ўз диққат эътиборини қаратади. Инсон онгу тафаккури билишда муҳим рол ўйнаши мутафаккир қарашларида марказий ўрин эгаллайди. Айнан ақлий тафаккури орқали ўз-ўзини камолга етказишига ишора қилади.

Мирзо Бедил яхшилик, ахлоқий поклик ҳақида фикр билдирганда, бу тушунчаларнинг ақл - идрок, илм-маърифат билан бир бутун ҳолда олиб қарашга ҳаракат қилади:

Киши табиатини фош этса идрок,

Фақат яхшиликка этар иштирок.

Илмдан бебаҳра қолади таъби,

Бадфеълидан кечиб бўлолмаса пок⁶⁹.

⁶⁸ Мирзо Бедил. Куллиёт. Ирфон.Бомбей, 1852. –Б.38.

Мирзо Бедил инсонларни ижтимоий билишида ҳам уларнинг ақл идрокига алоҳида урғу беради. Ижтимоий билиш масаласи Бедил фалсафасида инсоннинг ақл-идроки билан бирга унинг ахлоқий фазилатлари, диний эътиқоди билан боғлиқ ҳолда олиб қаралади.

Бедилнинг “Ирфон” номли асаарида кишиларни саховат, бир марта берилувчи умрдан ўзи ва бошқалар манфаатлари йўлида унумли фойдаланиш, ўзини арзимаган нарсалар учун ўтга-сувга уриб, азиз умрни барбод қилмаслик, илм олиш каби яхши инсоний хислатларга чақирик янграйди. Ҳатто, Бедил инсонни бефаросатлик, дағаллик сингари айрим хусусиятлардан ҳоли кўришни истайди. Масалан, “Ирфон”даги 20 байтлик бир тамсилда бир шахснинг ўйламай-нетмай иш тутиши, кўпол ва ёмон оғизлиги маҳорат билан қораланиб, тартибга чақирилади. Унда бир болакай қудуқ оғзига яқин ерда ўйнарган туйқусдан кўлидаги нонни сувга тушуриб юборади ва йиғлаганча отаси олдига келади. Ота бола йиғиси ва кўлида нон йўқлигини кўра солиб, ўғлидан сўраб ҳам ўтирмасдан, кўнглидаги гумон бўйича “нонингни ким тортиб олди” дейишга тушади. Бола йиғи аралаш қудуқ томонни кўрсатади. Ота қудуқ бошига бориб, шу ёниб турган куйи сувда ўз аксини кўради ва унга қараб ғазаб билан дейди: Эй иблис, хийла билан болакайнинг кўлидан нонини олиб егани уялмадингми? Шунда сув тилга кириб, кулганча шундай дейди: Ўзинг аксингни кўрмоқдасан сувда, ўзингни ўзинг койимоқдасан. Болангдан бир оғиз нима бўлганини сўрамадинг, ўз ишидан кўрққан боланинг гапи билан дарҳол гумонга тушдинг ва қудуқни кўрсатиб-кўрсатмай,ўз аксингга қараб сўкина кетдинг. Ақлинг ва қалбинг шу бўлгач, энди бу ҳақоратларнинг бари сенга тааллуқли бўлиб қол-ди.Одам бироз босикроқ, юмшоқ табиат, ҳалимроқ бўлгани тузук. Инсонга сувдек мулойимлик ярашади. Ўзингни-ўзинг озгина тартибга чақир, уялтир. Шунда сувдек тип-тиник бўласан, сувдаги ўз аксингни таний оласан.

Файласуф бу ривоятда инсонни ақл билан иш қилишга чақирар экан, шу билан бирга инсонга хос бўлган яхши фаилатларни ҳам эгаллашга чақиради. Агар юқоридаги ривоятда ота ақл билан иш тутганда, ҳодисага эмас, балки моҳиятга ўз диққатини қаратганда сувдаги аксига қараб ҳақоратли сўзларни ишлатмаган бўлар эди.

“Ирфон”даги бир ҳикоят орқали эса Бедил инсонларни арзимаган нарсанинг ногоҳ қўлдан чиққани учун куйиб-пишмасликни, нафсни озгина тия олишни ўрганишни уқтиради. Чунки ҳикоятда боғ эгаси боғидан битта

⁶⁹ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар / Шоислом Шомухамедов таржимаси. - Т.: Адабиёт ва санъат, Т., 1964. - Б.19 .

олма ўғирлаб қочган қарға кетидан қувлаб, чуқурга йиқилиб тушади ва азиз ҳаёти-дан айрилади. Ундан олмагина эмас, бутун бошли бир боғ ҳам қолиб, бошқа-ларга насиб қилади. Ахир, боғбон бу ерда оз меҳнат қилганмиди, баҳору ёз озмунча тер тўкканмиди. Қарғанинг ҳам шундан ризқи бор эканки, битта олмани олибди. Боғбон ахир бунга қувониши керак эди-ку!

Ушбу воқеада ҳам Бедил инсонни фақат ҳиссий билиш билан чекланмасдан, балки ақл-идроқини ишлатишга чақиради. Бедил воқеани ҳикоя қилар экан, бу фоний ҳаётда ҳамма нарсага ҳам ортиқча хирс қўявермаслик кераклигини табиатдаги ҳодисалар тасвири орқали уқтиради. Бу дунёда ҳар нарсанинг ўз ўрни борлиги, бошқаларга озгина фойда келтириб туриш ҳам лозимлигини эслатади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ХҮII асрда Ҳиндистонда туғилиб ўсган, ота-боболари бизнинг ватандошимиз бўлган улуғ шоир ва файласуф Мирзо Абдулқодир Бедил қолдирган бой маънавий мерос, унинг таълимотида илгари сурилган исоннинг моҳияти, уни ижтимоий борлиқни англаш моҳияти бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Айниқса, билишда ҳиссий, ақлий ва диний эътиқодни, ахлоқий қадриятларни уйғон ҳолда олиб қараши бугунги диний ва илмий қарашлар ўртасидаги мураккаб зиддиятларни бартараф этишда муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, инсонлар илм-маърифат орқали ўзларининг диний эътиқодларини мустаҳкамлаши ва камолга етказишлари Бедил таълимотида асосли тарзда баён этилган.